O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 25-sentabr • Seshanba • 118 (27.763) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЮНИСЕФНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида таълимни ривожлантириш соҳасидаги ўз тадқиқотлари натижаларини жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола этди. «Таълим: кимгадир кўп, кимгадир кам» деб номланган ушбу ҳужжатда мазкур минтақалар мамлакатларида таълим соҳасида рўй бераётган жараёнлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, баҳо берилган.

Тадқиқотга мувофиқ, ушбу минтақаларнинг аксарият мамлакатлари 2015 йилгача умумий бошланғич таълимни таъминлаш йўлидан бормоқда. ЮНИСЕФ томонидан бу мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Эстония, Литва, Россия, Словения каби давлатлар ва бошқа мамлакатлар киритилган бўлиб, улар биринчи гуруҳни ташкил этди. Бироқ минтақанинг етти мамлакати, жумладан, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Руминия, Тожикистон, Украина ва Хорватия бу масаланинг ҳал этилиши қийин кечаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Грузия, Молдова ва Тожикистон ўз олдига қўйган мазкур вазифани муваффақиятли ҳал этиши даргумон.

Ҳужжат муаллифлари қатор мамлакатларда мактабгача таълим муассасаларига қатнаётган болалар сони ҳаттоки ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охиридаги даражага ҳам етмаганини қайд этган. Жанубий Европа ва Марказий Осиёнинг баъзи давлатларида бу кўрсаткич атиги 30 фоизни ташкил этади.

Ҳужжатда ЮНИСЕФ томонидан Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимининг ривожланиш даражаси ижобий намуна сифатида келтирилган.

Минтақанинг саккиз мамлакати — Озарбойжон, Арманистон, Босния ва Герцеговина, Грузия, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва Туркманистонда ўрта таълим билан қамраб олиш коэффициенти ҳали-ҳануз 50 фоиздан паст. ЮНИСЕФнинг фикрича, 2004 йилда минтақада ўрта ва катта мактаб ёшидаги қарийб 12 миллион бола мактабга қатнамаган. Кичик мактаб ёшидаги болалар орасида эса бу кўрсаткич қарийб 2,4 миллион нафарни ташкил этади.

Айниқса, Тожикистонда бу борада кескин вазият юзага келган. Ушбу мамлакатда баъзи жойларда 9-синфдан кейин болаларнинг 30-50 фоизи ўқишни ташлаб кетмоқда. Тожикистон, шунингдек, Туркияда боланинг жинси — ўғил ёки қиз болалиги бу борада яна бир ҳал қилувчи омилга айланган.

Сўнгги йилларда таълим сифати сезиларли равишда пасайиб кетди. ЮНИСЕФ экспертларининг таъкидлашича, бу ота-оналарнинг фарзандларини мактабга беришига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тадқиқот маълумотларига кўра, ўсиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий табақалашув болаларни таълимдан тенг фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилмоқда.

ЮНИСЕФ экспертлари бу борадаги ижобий тенденцияларни қайд этар экан, Ўзбекистонда мактаблар, коллеж ва лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун катта маблағ ажратилаётганига эътиборни қаратади. Ҳужжатда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берилган.

Имконияти чекланган болалар учун таълим муаммоси — тадқиқотнинг яна бир мавзусидир. Ўзбекистонда истиқлол йилларида давлат қарамоғида бўлган ана шундай болаларга муносабат кескин яхшиланганини қайд этилган.

ЮНИСЕФ мутахассислари таълимга йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлар нуқтаи назаридан ҳам Ўзбекистон бошқа мамлакатларга намуна бўлиши мумкинлигини эътироф этган. Муаллифлар тадқиқот якунида «ЮНИСЕФ минтақа давлатлари ҳукуматларини таълим эҳтиёжлари учун харажатларни кўпайтириб, уларни ҳеч бўлмаганда бугунги кундаги 3-4 фоиздан 6 фоизга оширишга даъват этаётган бир пайтда Ўзбекистон ушбу мақсадларга ялпи ички маҳсулотнинг 9 фоизини сарфлаётганини» қайд этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЭТНИК КОРЕЙСЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИГИ



Қадрли дўстлар!

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган корейс жамоатчилиги бугун, бошқа миллат ва элатлар билан биргаликда, этник корейсларнинг саховатли ўзбек заминида яшаётганининг 70 йиллигини кенг нишонламоқда.

XX асрнинг 30-йилларида рўй берган изтиробли воқеалар, яъни ўн минглаб корейслар оғир машаққат ва қийинчиликларни бошидан кечирганини, Узоқ Шарқдаги муқим яшаш жойларидан мажбуран Ўзбекистонга кўчирилганини эслар эканмиз, барчамиз аввало ачиниш ва қайғуриш туйғуларини ҳис этамиз.

Ўзбек халқи ўша даврдаги шафқатсиз қатағон шароитида ҳам ўзининг меҳр-шафқат, ҳамдардлик, меҳмондўстлик ва саховатпешалик каби хислатларини намоён этиб, кўчирилган корейсларни очиқ кўнгиллик билан қабул қилди, уларга дастлабки кунданоқ ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам берди, ҳатто сўнгги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Корейсларга хос меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва ҳамжиҳатлик каби фазилатлар ушбу миллат вакилларининг мустаҳкам оёққа туриб олиши ва Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари қаторидан ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди. Ўзига хос табиати, бой маданияти ва қадимий анъаналари билан ажралиб турадиган корейслар бу ерда ўзлари учун янги ватан топдилар. Мана етмиш йилдирки, улар ўзбеклар, Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биладиган бошқа миллат ва элат вакиллари билан елкама-елка меҳнат қилиб, аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб келмоқдалар. Бугунги кунда юртимизда яшаётган икки юз мингдан зиёд корейслар жамоаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида тенг ҳуқуқлилик асосида фаол иштирок этаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ишига корейс юртдошларимиз ўз ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшаётгани айниқса таҳсинга лойиқдир. Уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланиб, юзлаб корейс миллати вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотларига, жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвонига сазовор бўлмоқда. Корейслар орасидан халқ депутатлари, давлат ва жамоат арбоблари, саноат, қишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорлик соҳалари вакиллари, таниқли олимлар, маданият ва санъат намояндалари, машҳур спортчилар етишиб чиққанидан ҳаммамиз фахрланамиз.

Шубҳасиз, яқинда Ўзбекистон халқи 16 йиллигини кенг нишонлаган мустақиллик шарофати билан корейслар жамоаси ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Истиқлол туфайли ушбу миллат вакилларининг ҳам анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш, она тилини ўрганиш, ўзига хос ва серқирра маданиятини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Жумладан, 1992 йилдаёқ Ўзбекистонда Корея Республикаси Таълим маркази ташкил этилди. Бугунги кунда бу ерда ҳар йили 3,5 минг киши таълим олмоқда. Улар орасида корейслар билан бирга ўзбеклар, қозоқлар, руслар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Бу бетакрор корейс маданиятига бўлган юксак ҳурмат ва катта қизиқишдан далолат беради. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ мактабда корейс тили ўқитилаётгани, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд чет тиллар институти каби олий ўқув юртларида корейс тили ва адабиётини ўрганиш бўлимлари фаолият кўрсатаётгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўн йилдан буён рус ва корейс тилида «Корё Синмун» республика газетаси нашр этилмоқда.

Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси ҳузурида илмий-техник жамиятлар, ижодий ходимлар — шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар бирлашмаси, Ёшлар маркази, сахна, бадиий, хонандалик, спорт ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, Оқсоқоллар кенгаши ташкил этилган. Буларнинг барчаси корейс миллатининг бир пайтлар йўқотилган анъана ва маданияти нафақат қайта тикланаётгани, айни пайтда ривожланиб бораётганининг, корейслар жамоаси кўп миллатли Ўзбекистон халқлари орасида муносиб ўринга эга эканининг амалдаги ёрқин исботидир.

Фурсатдан фойдаланиб шуни таъкидламоқчиманки, бундан буён ҳам умумий уйимиз бўлган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳамма миллат ва элат вакиллари қатори этник корейсларнинг ҳам миллий-маънавий ва маданий ўзига хослигини тўла намоён этиши учун, турмуш шароитини янада яхшилаш учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилаверади.

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларни корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги билан яна бир бор табриклар эканман, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайман, барчангизга оилавий тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ КОНЛАР, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ



Мустақиллик йиллари юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланиб, 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани ва уларнинг 70 фоиздан зиёдроғи бугунги кунда саноат ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келаётгани — ҳукуматимиз муҳим ижтимоий аҳамиятга эга масала — аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ечимига муттасил катта эътибор қаратаётганидан ёрқин далолат. Биргина 2006 йилда ишсизлик даражаси республикамиз бўйича 5,3 фоизгача камайди.

Бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар изчиллигини «Қашқадарё пармалаш ишлари» очиқ акциядорлик жамияти тасарруфидаги Алан, Денгизкўл, Шимолий Помуқ, Шўртан ва Гармистон сингари янги конларда ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозир мазкур конларда жамиятнинг 545 нафар ишчи-хизматчилари нефть ва газ захираларини қазиб олишда фаол меҳнат қилишаяпти. Улар йилнинг ўтган ойлари давомида 34 минг 290 метр ҳажмда қазиш ишлари бажариб, 11 та нефть ва газ қудуқларини қайта ишлаш заводлари ихтиёрига топширишга муваффақ бўлишди.

Суратларда: *янги конлар меҳнат жамоалари фаолиятидан лавҳалар.*

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА)
олган суратлар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуидаги маърузасида мамлакатимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

ЯГОНА ОИЛАДА, АҲИЛ-ИНОҚЛИКДА

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида этник корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унга юртимизда истиқомат қилаётган турли миллий маданият марказлари, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф этилди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда анъанавий InfoCom-2007 — Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги бошланди. Ҳафталик дастуридан соҳани такомиллаштиришга йўналтирилган қатор тадбирлар жой олган. Мутахассислар, замонавий ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ушбу тадбирларда кўплаб янги, қизиқарли ва фойдали маълумотлар билан танишиши мумкин.

Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Ривожланиш дастурининг «АКТ сиёсати» лойиҳаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида АКТ соҳасида стратегик устувор вазифаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар белгилаб берилган. Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Ҳозир республикамиз шаҳар ва туманлари марказларининг барча алоқа тармоқлари рақамлаштирилган, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга халқаро телефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш бўйича юқори сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Мамлакатимизнинг барча жойларида энг янги ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда, Интернетдан фойдаланувчилар сони 1,8 миллион кишидан, уяли алоқа компаниялари абонентлари 4 миллиондан ортди.

2010 йилгача мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш миллий дастурининг қабул қилиниши ушбу соҳани хорижий жиҳозлар етказиб берувчилар иштирокида модернизация қилиш жараёнини тезлаштириш имконини берди. Йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Натижада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси АТСлари телефон рақамлари 1,98 миллиондан ошди, аксарият станциялар рақамлаштирилди, 9 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари ўтказилди. Теле ва радиостанциялар реконструкция қилинди. Қорақалпоғистонда ва барча вилоятлар марказларида тезкор уланадиган рақамли алоқа каналлари ишлаб турибди, халқаро ахборот алоқасидан тезкорлик билан фойдаланиш йўлга қўйилди.

InfoCom-2007 — АКТ ҳафталиги доирасида «ICTExpo 2007» ахборот технологиялари миллий кўргазмаси, «Мамлакат босма оммавий ахборот воситалари фаолиятида замонавий АКТнинг роли ва Интернет ресурсларини ривожлантириш истиқболлари» мавзуидаги медиа-форум, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳузуридаги Электрон бошқарув бўйича ваколатли марказ тақдимоти, ICI 2007 — Интернет, мобиль, симсиз ва оптик толали алоқа соҳасидаги янги авлод технологиялари, электрон тижорат учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича учинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси, Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий саммитни ўтказиш режалаштирилган. Ҳафталик ниҳоясида «UZ» миллий домени Интернет-фестивали бўлиб ўтади.

АКТ ҳафталигининг биринчи тадбири — «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «ITPA 2007 — Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш» халқаро конференциясида Ўзбекистонда янги ахборот иқтисодиёти, ижтимоий соҳасини ташкил этиш, фуқароларнинг янги ахборот технологияларидан эркин фойдаланишини таъминлашга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Жанубий Корея, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан 60 нафардан ортиқ олим иштирок этаётган ушбу анжуманнинг асосий мақсади турли йўналишда изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, олимлар ва манфаатдор шахсларни Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш масаласи атрофида бирлаштириш, ҳозирги давр услублари, янги тадқиқот йўналишлари ва янги технологиялар имкониятларини муҳокама этишдан иборат.

Маърузачилар ва сўзга чиққанлар Интернет ва мобиль технологиялардан фойдаланиш одамларнинг турмуш тарзи ҳамда корхоналарга хизмат кўрсатиш шаклини сезиларли даражада ўзгартирганини қайд этди. Шу сабабли бугун замонавий IT-технологияларини жамият ҳаётининг барча жабҳаларига жадал жорий этиш, улардан оқилона фойдаланиш ва энг асосийси — кенг доирадаги фойдаланувчиларга янги ахборот-коммуникация технологияларини тез ўргатиш долзарб масала ҳисобланади.

Мутахассислар ҳамма жойда электрон ҳукуматни, е-тижорат, е-бизнес, е-таълим тизимлари ва ҳоказоларни татбиқ этиш зарурлиги тўғрисида яқдил эканликларини билдирдилар. Бундай илғор шакллар ахборот ҳамжамиятини жадал шаклантиришга ёрдам беради.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

☑ ЎзХДП ҳаёти

Сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли кучайиши учун янги имкониятлар яратилган бир шароитда, партиямиз марказий матбуот нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланади. Газетхонлар сони қанчалик кўп бўлса, газеталаримиз қанчалик кўпроқ хонадонга кириб борса, ЎзХДП дастурий ғоялари шунчалик кенг тарғиб қилиниши, шубҳасиз. Шу боис обуна мавсуми газеталаримиз кенг тарқалишидан манфаатдор бўлган партия ташкилотларидан катта масъулият ва фаоллик билан ишлашни талаб этади.

ОБУНА МАВСУМИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН АЛОҲИДА МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Куни кеча ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъати қабул қилган «Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2008 йил учун обунани ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорда ҳам бу масалага жиддий эътибор берилди.

Ижроқўм Ҳайъати қабул қилган ҳужжатда ўтган йилларда йўл қўйилган сусткашликлар, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаслик натижасида марказий матбуот нашрларимиз адади қутилган натижага етмаганлиги, бундан тўғри хулоса чиқариш, бу йилги мавсумда самарали усулларни қўллаш, партия фаоллари ҳамда нашрлар таҳририяти вакилларининг масъулиятини жиддий ошириш зарурлиги алоҳида белгиланди.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари партия тизимида обунани ўтказишга алоҳида эътибор беришлари шартлиги белгилаб қўйилди. Мазкур партия кенгашларига обуна мавсумида жойларда партия матбуоти кунлари, журналистларнинг газетхонлар билан учрашувларини ўтказиш, ХДП даврий нашрларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, партия электорати орасида обунани ташкил этиш масалаларида таҳририятга кўмаклашиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ЎзХДПдан сайланган депутатларга ўз сайлов округлари ҳудудида истиқомат қилувчи кўмакка муҳтож оилалар, партия электорати вакилларини «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана»га обуна қилишда ёрдам беришлари тавсия этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)нинг 332-моддасида жиноят ишларини битта тергов ёки суд иш юритувига бирлаштириш, шунингдек, бир ёки бир неча жиноятни бирлаштириб содир этган шахсларга нисбатан ишни ажратиш асослари белгиланган. Аммо қонунда жиноят ишлари бирлаштирилган ёки ажратилган тақдирда тергов муддатини ҳисоблаш тартибига аниқлик киритилмаган. Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишнинг аниқ асосларини белгилаш ва бундай ҳолларда дастлабки тергов муддатини сақлаб қолиш тартибини ўрнатиш мақсадида ЖПКнинг 332-моддаси янги таҳрирда баён қилинмоқда, 351-моддаси эса иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилаяпти.

Таклиф қилинаётган нормалар қонунда белгиланган дастлабки тергов муддатларига қатъий риоя қилинишига ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш вақтидаги қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этишга хизмат қилади.

Биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин ўтди.

Мазкур лойиҳада давлат рақам белгиси ясама ёки бошқа усул билан ўзгартирилган, шунингдек, ўзига мансуб бўлмаган давлат рақам белгиси тақилган транспорт воситасини бошқарганлик учун жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилган. Айни вақтда фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган, давлат рақам белгиси ўзбошимчалик билан ечиб олинган ёхуд ясама, ўзга усулда ўзгартирилган транспорт воситасини бошқарганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

«Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам жиддий баҳсларга сабаб бўлди. Чунки ушбу ҳужжат компьютер тизимлари, ахборот манбаига уюштирилган жиноятларни тартибга солишга ҳуқуқий асос бўлади.

Йиғилишда, шунингдек, иккинчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарувни такомиллаштириш ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам муҳокама этилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

☑ Муносабат

ПЕНСИОНЕРЛАРГА ҲУРМАТ ВА РАҒБАТ

УЛАРНИ ҚАДРЛАШ, ЭЪЗОЗЛАШ РАМЗИДИР

— Мустақилликда ўтган 16 йил ичида эришган ҳамма ютуқларимиз якунлари аҳоли даромади ва фаровонлигини муттасил ошириб бориш ҳамда кенг қамровли ижтимоий дастурлар ижросини изчил таъминлаш имконини берди, — дейди **Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги «Урганжи» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, пенсионер Бегмуҳаммад Мамарасулов.** — Узоққа борманг: давлатимиз раҳбарининг шу йил 10 июлдаги **«2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»**ги ёки икки кун муқаддам эълон қилинган **«Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»**ги фармонларини олинг. Уларнинг ҳар иккисида ҳам истиқлолнинг ўн олти йили давомида ҳар доим бўлганидек, фуқароларнинг, айниқса, пенсионерларнинг ижтимоий муҳофазасини барқарор таъминлаш масаласига яна бир бор устувор аҳамият берилди.

— Нафақат, меҳнат стажига кўра пенсияга чиққанлар, — давом этди у, — балки, ногиронлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳам ҳимоясини таъминлайдиган кучли ижтимоий сиёсат натижаси ўлароқ, 1 октябрдан бошлаб, пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорда ошириладиган бўлди. Бу биз пенсионерлар учун жуда катта ғамхўрлик...

Ҳа, чинакам катта ғамхўрлик. Эсингиздами, 2002 йилдан эътиборан, мамлакатимизда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давоматини чеклаш бекор этилди. 2005 йилдан эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларида якка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча тизими жорий этилди.

Икки кун олдин қабул қилинган Фармон давлатимизда пенсия ёшига етган қарийб 3 миллион нафар фуқарога даромадларининг асосий манбаи — пенсияларини янада кўпайиши имконини яратмоқда. Пенсия ёшига етган шахсларнинг илгари меҳнат даромадлари кўп бўлган бўлса, энди уларнинг оладиган пенсиялари улуши ҳам кўпаяди. Яна бир эътиборли жиҳати, аниқроғи, пенсионерларга ҳурмат ва рағбат рамзи — мазкур Фармон 1 октябрдан кейин пенсияга чиққан пенсионерларгагина эмас, **балки биринчи навбатда, ҳозиргача пенсияда бўлган фуқароларга ҳам татбиқ этилади.** Ижтимоий таъминот органлари уларнинг пенсияларини тайинлашда ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти карраси миқдоридан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари тайинланган барча пенсияларини қайта кўриб чиқиб, пенсияларини янги мезон (норматив)лардан келиб чиққан ҳолда оширади.

Мазкур йўналишда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, зарур ҳолларда эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан шу йилнинг ўзида, яъни, «Ижтимоий ҳимоя йили»да 20 миллиард сўмдан ортиқ, 2008 йилда эса 100 миллиард сўмдан ҳам кўпроқ маблағ ажратиладиган бўлаяпти. Бу — ҳукуматимизнинг мамлакат фуқаролари ижтимоий ҳимоясига беҳад катта эътибор бераётганлигининг яна бир ёрқин ифодаси, албатта. Зеро, Давлатимиз раҳбари шу йил 30 августдаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасида таъкидланганидек: **«Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар оширишни ўз олдимизга муҳим стратегик вазифа қилиб қўйганмиз. Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, биз яқин йиллар ичида халқ фаровонлиги ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларга эришаётган мамлакатлар даражасига кўтарилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз».**

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

☑ Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

САЙЛОВЧИ БИЛАН МУЛОҚОТ

ДОИМИЙ, УЗЛУКСИЗ ДАВОМ ЭТСАГИНА МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ЯРАТИЛАДИ, УЛАРНИНГ ИЖРО МЕХАНИЗМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ, — ДЕЙДИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ БОЙМУРОД ЮСУПОВ

Муҳандис ва иқтисодчи мутахассисликларига эга бўлган бу депутатнинг ҳар қандай қонун юзасидан баҳсга кириша олишини, мунозараларда ўз фикрини ёқлаб фаол иштирок этаётганини кўп кузатганман. Шу боис, депутат билан суҳбатимизни қонунияратувчилик жараёнидаги баҳс-мунозаралар ҳақида бошладик.

— Парламентдаги қизғин баҳс қонуннинг мароми га етишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Айрим мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органларида депутатларнинг баҳслашиши жуда кескин тус олади. Қонунчилик палатамизда ҳам ана шундай мунозаралар бўлиб турадими, деган савол кўпчиликни қизиқтиради...

— Бу ҳақда илгари ҳам кўп сўрашган. Мунозаранинг қандай кечиши ҳар бир халқнинг менталитетига, қолаверса, ҳар бир депутатнинг савияси, баҳс маданиятига боғлиқ.

Турли партиялар вакилларидан иборат қўмита йиғилишларидан кўра, фракциямиз мажлисларида баҳс-мунозара кўпроқ ва кескинроқ бўлади, десам ишонасизми? Дафъатан, бир хил маслакдаги кишилар орасидаги тортишув қандай бўлади, деган савол туғилиши мумкин. Бу ерда гап ҳар бир депутатнинг кўрилаётган масалага қай тарзда ёндашишига, дунёқарашига боғлиқ. Депутат қабул қилинаётган қонунга алоқадор масалаларни чуқур ўргансагина жўяли фикр, таклиф айта олади. Иш шу билан тугамайди. Фикрингни ҳимоя қилишинг, унинг тўғрилигини исботлаб, барчага баробар етказа олишинг, депутатларни шунга ишонтиришинг керак. Фракциямиз аъзолари масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашганликлари сабабли ҳам бизда мунозаралар жуда қизғин кечади. Палатанинг ялпи йиғилишларида эса барчамиз бирлашиб партиямиз нуқтаи назарини ҳимоя қиламиз.

Қонунлар шунчаки қабул қилиш учун эмас, ҳаётда қайсидир ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ишлаб чиқилади. Ҳаётий шарт-шароит асосида яралган қонунлар адолатли бўлади. Энг яхши таклифларни эса сайловчиларнинг ўзларидан оламиз. Уларнинг айрим мурожаатлари ҳаётдаги майда-чуйда масалалар бўлиб туюлиши мумкин, аммо депутат булардан тегишли хулоса чиқариб олиши керак. Қонун бугунги кун талабига жавоб бермай қолдими, демак, унинг сабабларини аниқлаш, ўрганиш, лозим топилса, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги таҳрирдагисини қабул қилиш талаб этилади.

— Қонуннинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши унинг яхши ишлангани, даврга мос эканигагина боғлиқ эмас-да.

— Албатта. Қонун ижросини таъминлашга масъул бўлган идоралар, мутасадди шахсларнинг масъулияти, аҳолининг ҳуқуқий маданиятига ҳам боғлиқ. Қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини билмаган киши қандай қилиб уни ҳимоя қила олади? Ёки аксинча, қонунни билмаслик бу — қонун билан белгиланган масъулият ва бурчдан ҳеч кимни озод этмайди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентида депутатларнинг вақти-вақтида ўз сайловчилари билан учрашиб туришлари белгиланган. Депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотлари пишиқ, пухта қонунлар қабул қилинишига хизмат қилади. Шундай эмасми?

— Депутатнинг сайловчи билан мулоқоти унинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган қонуннинг қабул қилиниши билан тўхтаб қолмаслиги керак. Асосий иш қонун қабул қилингандан кейин бошланади, деб ўйлайман. Масалан «Ўзбекистон Республикасида Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси жуда қизғин кечаяпти. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида ногиронликни бир хил тушуниш учун меъёрий ҳужжатларда ишлатиладиган тушунчалар киритилган. Ногиронларнинг бемалол кириб-чиқиши учун мослаштирилиши лозим бўлган хизмат кўрсатиш инфратузилмалари сони кўпайган. Бу талабларни бажармаганлиги учун кўриладиган чоралар ҳақида тегишли кодексларга ўзгартиришлар киритилади. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, ногиронлар учун қонунда белгиланган тарзда ишчи ўринлари яратмаган корхона раҳбарлари ҳатто жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Албатта, ушбу қонуннинг партиямиз дастури, электоратимиз манфаатларига жуда мос тушиши фракциямиз аъзоларини ҳар бир модда устида чуқур ишлашга даъват этади. Қонун қабул қилинди, Сенат тасдиқлади, Президент имзолади ва ҳужжат кучга кирди ҳам дейлик. Аммо янги имкониятлар, қулайликлар яратилганидан ногиронларнинг ўзлари бехабар қолса ёки ундан қандай фойдаланишни билмаса, бу қонундан наф бўлмайди. Шунинг учун депутатнинг яна бир вазифаси — қонунлар моҳиятини доимий равишда сайловчиларига тушунтириб боришдан иборатдир. Бу билан биз биринчидан, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, савияси юксалишига, иккинчидан, мамлакатда қонун устуворлигининг таъминланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Халқнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдаги вакили — депутат бу вазифаларни бажаришда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашувчи ижтимоий институтлар билан баб-баравар жавобгардир.

— Парламентнинг яна бир вазифаси — амалдаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини олиб боришдан иборат. Бу эса қонунлар билан белгиланадиган мажбуриятларнинг қай тарзда бажарилаётганини яққол кўрсатади...

— Мен қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзосиман. Яқинда қўмитамиз «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг Хоразм вилоятида бажарилишини ўрганди. Хива шаҳридаги «Ичон-қалъа» музей қўриқхонасини сақлаш, таъмирлаш бўйича амалга оширилган ишлар диққатга сазовор. Лекин ер ости сувларининг кўтарилиб кетиши, шўрланиш даражасининг кучайиб, бинолар емирилишининг тезлашиши ва олиб борилган таъмирлаш ишларининг сифати жуда тез бузилмоқда. Бу борада биз ўз таклиф-мулоҳазаларимизни билдирдик.

Қўмитамиз аъзолари билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг Сурхондарё вилоятида бажарилиши таҳлилини амалга оширдик. Аниқланган камчиликлар бўйича қўмитамиз тегишли чора-тадбирлар қўллаш юзасидан ўз тавсияларини ишлаб чиқди ва уларни мутасадди идораларга жўнатди. Бу албатта бизнинг келгусидаги қонуняратувчилик фаолиятимизда ҳисобга олинади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 25 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1083,78	1 Польша злотийси	471,78
1 Англия фунт стерлинги	2555,16	1 СДР	1967,59
1 Дания кронаси	238,84	1 Туркия лираси	1022,72
1 БАА дирхами	347,24	1 Швейцария франки	1078,71
1 АҚШ доллари	1275,03	1 ЕВРО	1778,79
1 Миср фунти	226,91	10 Жанубий Корея вони	13,78
1 Исландия кронаси	19,92	10 Япония иенаси	110,53
1 Канада доллари	1255,45	1 Россия рубли	50,46
1 Хитой юани	169,63	1 Украина гривнаси	252,48
1 Малайзия рингити	368,21		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ЯГОНА ОИЛАДА, АҲИЛ-ИНОҚЛИКДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг этник корейслар Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан табригини Бош вазирнинг ўринбосари Р.Азимов ўқиб эшиттирди.

Кечада мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари азал-азалдан бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаб келаётгани, Юртбошимиз раҳнамолигида миллатлараро ва динлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида оғир қийинчиликларни бошидан кечириб, Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келинган корейслар заминимизда ўзбекона бағрикенглик ва меҳмондўстлик билан қабул қилинди, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан бирга корейслар ҳам ҳамжиҳатлик ва аҳиллиқда яшаб, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқда.

— Ота-оналаримиз тақдир тақозоси билан бундан етмиш йил аввал Ўзбекистонга келиб қолган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак. — Улар ўша даврдаги қийинчиликларни, бешафқат қатағонларни, оғир синовларни изтироб билан хотирлайди. Ўзбек халқи оғирги бурда нонини ҳам биз билан баҳам кўрганини, бошпана берганини ҳеч қачон унутмаймиз. Ўзбекистонда бошқа миллатлар қатори корейс миллати вакилларининг ҳам таълим олиши, турли жабҳаларда меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Эндиликда фарзандларим, неваларим истиқлолнинг саодатли неъматларидан баҳраманд бўлиб яшамоқдалар.

— Миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар миллий қадриятларига ҳурмат билан қараш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таҳсинга лойиқдир, — дейди Корея Республикасидаги Корея — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси раҳбари И.Кангду ЎзА мухбирига. — Юртингизда барча миллат вакиллари каби ўзбекистонлик корейсларнинг ҳам таълим олиши, меҳнат қилиши, саломатлигини тиклаши баробарида ўз миллий урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилганининг гувоҳи бўлдик.

— Мен Ўзбекистонда туғилиб, вояга етдим. Шу азиз заминни ўз Ватаним деб биламан, — дейди ўқитувчи Гликерия Ким. — Она юртимиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Юртимизда Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциациясининг ташкил этилиши, корейс халқининг урф-одатлари, анъаналари, тили ва маданиятини асраб-авайлаб янада ривожлантириш борасидаги ззгу ишлар мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсатнинг ёрқин ифодасидир. Ассоциация Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ўттиздан ортиқ корейс маданият марказларини бирлаштирган. Айни кунларда янги биноси фойдаланишга топширилган ушбу ташкилот миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, корейс маданияти билан юртимизда истиқомат қилувчи бошқа миллатларни яқиндан таништириш мақсадида қўллаб маънавий-маърифий тадбирлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмалар ўтказиб келаётир.

Пойтахтимизда этник корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги муносабати билан ранг-баранг тадбирлар ўтказилаётир. Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ҳамда корейслар ҳаётига бағишланган янги китоблар, фотоальбомлар тақдимоти, ҳужжатли фильмлар премьераси, юртимизда истиқомат қилаётган корейс мусаввирларининг бадиий-фото кўргазмаси, спорт турнирлари ва халқ сайли шулар жумласидандир.

Халқлар дўстлиги саройида ўтган тадбирда санъат усталари, ижрочи ёшлар ҳамда миллий маданият марказларининг концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Бош вазирнинг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кёнг Дже Мин иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Суратларда: *кечадан лавҳалар.*

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

«АСАЛ БАЙРАМИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимиз бозорларида «Асал байрами» савдо ярмаркаси давом этмоқда. У Ўзбекистон Асаларичилар уюшмаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ташкил этилган.

Ярмаркада Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

— Ташкилотимизнинг қарийб икки юз нафар аъзоси бор, — дейди Тошкент шаҳар асаларичилар жамияти раҳбари Зокир Мирхўжаев. — Уларнинг ҳар бири ўртача 50-150 асалари оиласини парваришлаб, йилига салкам 200 тонна асал етиштиради. Асал байрами давомида пойтахтимиз аҳолисига ва меҳмонларига сифатли ва арзон асал маҳсулотларини етказиб берамиз.

— Бу йил асалимиз одатдагидан анча мўл бўлди, — дейди асаларичи Турсунхўжа Тожихўжаев. — Мавсум давомида Жиззах вилоятининг тоғли туманларида асалари парваришладик. Бугунги савдо-ярмаркага беш тонна асал олиб келдик.

«Асал байрами» 30 сентябргача давом этади.

Суратларда: ярмаркадан лавҳалар.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

XORIJDA

СЕНАТ ҚАРШИ ОВОЗ БЕРДИ

АҚШ Конгресси сенати 9 ой давомида Ироқдан Америка ҳарбий контингентининг салмоқли қисмини олиб чиқиб кетишни назарда тутувчи, Демократик партия вакиллари томонидан ишлаб чиқилган янги қонун лойиҳасига қарши овоз берди.

«Associated Press» ААнинг маълум қилишича, 100 та сенатордан 47 нафари қонун лойиҳасини маъқуллаб овоз берган бўлса, яна шунчаси қарши чиқди. Қонун лойиҳаси маъқуллансин дея эътироф этилиши учун 60 нафар депутат уни қўллаб-қувватлаши лозим.

Ҳозирги кунда Ироқда Американинг 160 минг кишилик контингенти мавжуд.

Дарвоқе, шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, Ироқда зўравонликлар ва террор тўхтамаётганлиги боис тинч аҳоли орасида қочқинлар сони ортиб бормоқда. Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг маърузасида қайд этилишича, бугунги кунда мамлакат ичидаги қочқинлар сони 2 миллион кишига етди. Ҳозир Ироқнинг 71,1 фоиз аҳолиси мамлакат ичида тинч жой ахтариб, у шаҳардан бу шаҳарга кўчиб юрибди. Шуниси ачинарлики, ички қочоқлардан ташқари ташқи қочоқлар ҳам борки, улар қўшни республикаларда жон сақламоқдалар. Ироқда ҳарбий операция бошлангандан бери (2003 йил) мамлакатдан чиқиб кетган қочқинлар сони 2 миллион кишидан ортиб кетди. Расмий маълумотларга кўра, шу кунларда қўшни Сурияда 1,4 миллион, Иорданияда 750 минг нафарга яқин ироқлик қочқин яшамоқда.

БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари Антонио Гуттереснинг айтишича, қочқинларнинг 77 фоизи аёллар, болалар ва қариялардир. Улар очлик ва қашшоқликда яшамоқдалар, саломатликларини йўқотмоқдалар.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ АЙТИШИЧА...

Шанба куни Эронда ҳарбий парад ўтказилди. Унда мамлакат президенти Маҳмуд Аҳмадинажот сўзга чиқиб, БМТ томонидан Эронга нисбатан қўлланаётган санкциялар уранни бойитиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан тўхтатолмаслигини уқтирди.

Маълумки, – дейилади «Reuters» АА хабарида, – БМТ Хавфсизлик Кенгаши Эронга нисбатан (ядро дастурига қарши) санкция қўллаш бўйича икки марта резолюция қабул қилган. Эндиликда янада қатъийлаштирилган санкция қўллаш мўлжалланмоқда. Бу ҳақда АҚШнинг БМТдаги вакили Залмай Халилзод баёнот берди.

Дарвоқе, «AFP» ААнинг маълум қилишича, Эрон қуролли кучларининг ҳарбий паради пайтида ўрта радиусда учувчи «Ghard» («Куч») янги баллистик ракетаси намойиш этилди. У 1800 километр масофадаги нишонни бехато уришга қодир.

ТАКЛИФ ЭТИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ

Польша маъмурияти шу йил 21 октябрь куни мамлакат сейми (парламенти) учун бўлиб ўтадиган навбатдан ташқари сайловларга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) кузатувчиларини таклиф этмоқчи эмас. Бу ҳақда «France Presse» АА хабар тарқатди.

Польша Ташқи ишлар вазирлиги вакили «одатда сайлов ўтказувчи мамлакат ЕХҲТдан кузатувчилар жўнатишини сўрарди, аммо бу гал ЕХҲТнинг ўзи кузатувчилар жўнатишни сўраб, бизга мурожаат этди. Лекин биз бунга муҳтож эмасмиз» деди.

ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси вакили Урдур Гуннарсдоттирнинг айтишича, бюронинг штаб-квартираси Польшада жойлашган бўлишига қарамай, мамлакат маъмурияти ЕХҲТнинг кузатувчилар миссияси ташрифини рад этди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Гўртепа ҚФЙдаги 720/100 ўқувчи ўринли «Педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

2. *Наманган вилояти, Поп тумани, Найман ҚФЙ, Чиғаноқ қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.*

3. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, К.Отамирзаев кўчасидаги 720 ўқувчи ўринли «Ижтимоий иқтисод-педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

4. *Наманган вилояти, Норин тумани, Хўжаобод ҚФЙдаги 540 ўқувчи ўринли «Саноат» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.*

5. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Ёртепа қишлоғидаги 540/50 ўқувчи ўринли «Ижтимоий соҳа ва сервис» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

6. *Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Холматов ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли «Педагогика ва спорт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.*

7. Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани Ахси ҚФЙ, Файзиобод қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли «Хизмат кўрсатиш соҳаси ва компьютер технологияси» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

8. *Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Гулшан ҚФЙ, Қушан қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли «Транспорт ва алоқа» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.*

9. Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Истиқлол қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли «Маиший хизмат ва сервис» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

10. *Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Шарқ Юлдузи ҚФЙдаги 540/50 ўқувчи ўринли «Алоқа ва компьютер технологияси» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.*

11. *Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Навкент ҚФЙдаги 720/100 ўқувчи ўринли «Ижтимоий соҳа — педагогика» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.*

12. Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай-Ўлмас ҚФЙ, Шаҳрихончек қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли «Хизмат кўрсатиш соҳаси ва компьютер технологияси» йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тайёр ҳолда қуриш.

13. *Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Дўстлик проспектидаги Маданият саройини 180/150 ўқувчи ўринли «Спорт» коллежига мослаштириб (2-навбати: ётоқхона, ошхона, фаоллар зали)ни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.*

14. Наманган вилояти, Наманган тумани Ирводон қишлоғидаги «Иқтисодиёт» йўналишидаги касб-ҳунар коллежига (2-навбати) 100 ўринли ётоқхонани тайёр ҳолда қуриш.

15. *Наманган вилояти, Чортоқ шаҳридаги коллежнинг 2-навбати (100 ўринли ётоқхона ва спорт зали)ни тайёр ҳолда қуриш.*

16. Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Қўприкбоши маҳалласидаги «Ижтимоий-иқтисодиёт» коллежига (2-навбати) 100 ўринли ётоқхонани тайёр ҳолда қуриш.

Қурилишларни якунлаш муддати — барча объектлар бўйича 2008 йил 1 август.
***Буюртмачи:* Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.**
Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган давлат маблағи ҳисобида молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.**
Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

Сиз ўз сармоянгизни қаерга жойлаштиришни билмаяпсизми?
Сиз кафолатли ва барқарор келажакни хоҳлайсизми?

«Пахта банк» акциялари

Бу Сизнинг кафолатли ва барқарор даромадингиздир!



Инвестицион нуқтаи назаридан моҳияти:

- Юридик ва жисмоний шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади.
- Фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.
- «Пахта банк» ва унинг филиалларида акциядорларга валюта операциялари бўйича кўрсатиладиган хизматлар мобайнида чегирмалар таклиф қилинади.
- «Пахта банк» акциялари «Тошкент» Республика фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.
- Юқори сифатли хизмат кўрсатилади.
- «Пахта банк» акциядорларининг ҳисоби «PAXTA-SERVIS» депозитарийси орқали амалга оширилади.

Тўлиқ маълумот учун тел.:
150-53-66, 173-25-51, 173-36-05

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 26, 30 октябрь ва 2, 6, 9, 13, 16, 20, 23, 27, 30 ноябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилган:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уйда жойлашган Тошкент давлат юридик институтига қарашли, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 444 бўлган «Супер Салон» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 5 800 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотекабанки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.
Телефон: 133-02-49.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 9-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари савдодан олинганлигини маълум қилади:

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BD 613 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси,
бошланғич нархи — 13 166 000 сўм;
— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AA 649 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси,
бошланғич нархи — 15 467 000 сўм.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 ЙИЛДА КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ МАКТАБ ИНШООТЛАРИГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №5:

Лот 5-1. Нишон тумани, 456 ўқувчи ўринли 26-сонли мактабни филиали билан реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 405.768.230 сўм.
Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 5-2. Яккабоғ тумани, Яккабоғ қўрғонидаги 780 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 373.401.530 сўм.
Қурилиш муддати — 240 кун.

Лот 5-3. Шаҳрисабз тумани, Сарой қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 186.810.950 сўм.
Қурилиш муддати — 150 кун.

Лот 5-4. Чироқчи тумани. Олмазор қишлоғидаги 120 ўқувчи ўринли 157-сонли мактабни реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 130.335.390 сўм.
Қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 5-5. Косон туманидаги 300 ўқувчи ўринли 54-сонли мактабни реконструкция қилиш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 308.469.840 сўм.
Қурилиш муддати — 210 кун.

ЛОТ №6:

Лот 6-1. Китоб шаҳридаги 210 ўқувчи ўринли 1-сонли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 48.641.960 сўм.
Қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 6-2. Китоб тумани, Ачамайли қишлоғидаги 480 ўқувчи ўринли 11-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 109.752.860 сўм.
Қурилиш муддати — 150 кун.

Лот 6-3. Китоб тумани, Дўрмон қишлоғидаги 300 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 69.467.860 сўм.
Қурилиш муддати — 120 кун.

Лот 6-4. Китоб шаҳридаги 180 ўқувчи ўринли 2-сонли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 40.996.710 сўм.
Қурилиш муддати — 90 кун.

Лот 6-5. Китоб тумани, Бешқозоқ қишлоғидаги 840 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни капитал таъмирлаш.
Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 188.870.860 сўм.
Қурилиш муддати — 180 кун.

Буюртмачи —
Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.
Манзил:
Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-375) 227-16-56, 227-19-82.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — Бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

◆ *етарли касбий ва техникавий малакага;*

◆ *иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;*

◆ *молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;*

◆ *шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;*

◆ *юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: *Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.*

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ***Қашқадарё вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.***

Манзил: *Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй.*

УВАЖАЕМЫЕ ГОСПОДА!

Настоящим ликвидационный управляющий ЗАО СП «Building Industrial Group» уведомляет о том, что на основании Решения собрания кредиторов ЗАО СП «Building Industrial Group», 27 сентября т.г. на биржевые торги «Республиканской биржи недвижимости» выставляется комплекс зданий, сооружений и технологического оборудования принадлежащих ЗАО СП «Building Industrial Group» расположенного по адресу:

г.Ташкент, С.Рахимовский р-н, ул. Уста-Ширин, 136-А.
Дополнительную информацию можно получить по вышеуказанному адресу.

Кўргазма

СУРАТЛАРДА САМАРҚАНД АКСИ

Пойтахтимиздаги «Ренессанс» санъат галереясида «Буюк шаҳар ҳақидаги достонлар» мавзуидаги кўргазма иш бошлади. У мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ва Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланади.

— Самарқанд ўзининг гўзаллиги, қадимий осори-атиқалари, ноёб тарихий-меъморий обидалари билан ҳар доим архитектор, рассом ва ижодкорларни ўзига мафтун этиб келган, — дейди санъатшунос Лутфиноз Исроилова. — Шуни мамнуният билан айтиш керакки, юртимизнинг аксарият ижодкорлари бу кўҳна шаҳарнинг бой тарихий манзарасини ўз асарларида катта маҳорат билан тасвирлаганлар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Кўргазмада 35 га яқин рассом, қўли гул уста ва ҳунармандларнинг 100 дан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда. Уларда қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарда яшаб ижод этган алломалар, Самарқанднинг меҳмондўст халқи, дунёга машҳур бозорлари, қадим анъана ва қадриятлари акс этган.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда:
кўргазма залларида.

Фанимиз фидойилари

ЎЗБЕК МАТЕМАТИК ТИЛИНИ ЯРАТГАН

АТОҚЛИ ОЛИМ ҚОРИ-НИЁЗИЙНИНГ НОМИ НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗ, БАЛКИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИДА ҲАМ МАЪЛУМ ВА МАШҲУР

Ўзбекистонда кўпгина фан соҳаларига биринчилардан бўлиб қўл урган олим Қори-Ниёзий домла эдилар. У Ўзбекистонда халқ таълимининг илк ташкилотчи ва тарғиботчиларидан бири, биринчи бўлиб ўзбек тилида математика атамашунослигини ишлаб чиққан, математика дарсликларини яратган олимдир. Шунинг билан бирга у юртимиздан етишиб чиққан биринчи физика-математика фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби ҳамдир.

Ажойиб аллома фаннинг қатор соҳаларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди. Булар ўзининг ижобий самаралари билан фаннинг юксалишида муҳим омил бўлди. Устознинг, айниқса, математикани ривожлантириш ва уни тарғиб қилишдаги хизматлари ниҳоятда улкан. Унинг математика фани ривожига қўшган ҳиссасини юқори баҳолаган академик В.Романовский: «Қори-Ниёзий... ҳозирда барча томонидан тан олинган ўзбек математик тилини яратди. Ўзбек халқи чархланган фикр қуролига эга бўлдики, бу унинг кейинги ривожланишида катта роль ўйнайди», — деб ёзган эди.

Қори-Ниёзий нафақат математикага катта ҳисса қўшган олим, балки Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой илмий-маданий меросини ўрганиш, тарғибот ва ташвиқот қилишга муносиб улуш қўшган, фикр қамрови кенг олим сифатида ҳам катта илмий мерос қолдирди. Шу жумладан, унинг жаҳонга машҳур «Улуғбек»нинг астрономик мактаби» асари диққатга сазовордир.

Катта ҳаёт мактабини ўтаган олимнинг ҳар бир асари фикримизни бойитади, ақл-идрокимизни теранлаштиради. Устознинг яна бир асари «Ҳаёт мактаби»ни варақлар экансиз, таълим ва маданият йўлида жон куйдириб ишлаган, кураш ва бўронларда пўлатдек чиниққан



фанимизнинг улкан намояндаларидан бирининг ҳаётий ва ижодий фаолиятлари кўз олдингизда гавдаланади.

Устоз ростгўй, ҳалол, меҳнатсевар, самимий ва камтар инсонларни яхши кўрар, шогирдларидаги ана шундай сифатларни бениҳоя қадрлардилар. У она Ватанини севган ва ардоқлаган инсон сифатида бутун фаолиятини ўзбек фанининг нафақат ривожига, балки дунё олдидаги нуфузини орттиришга қаратди, шу йўлда ҳормай-толмай хизмат қилди.

Домла Тошкент ирригация ва мелиорация институти ташкил этилган кундан бошлаб, то умрининг охиригача шу илмий даргоҳнинг олий математика кафедрасини бошқариб, кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг фан йўлидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, 2002 йили Президентимиз Фармони билан «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Аллома бугун орамизда йўқ бўлса-да, у қолдирган илмий-адабий мерос, зиё шуъласи илм-маърифат йўлимизни ёритмоқда. У бошлаган эзгу ишларни эса бугун шогирдлари, издошлари сидқидилдан давом эттиришмоқда.

Элчи ФАЙЗИБОЕВ,
Тошкент ирригация ва мелиорация институти Қори-Ниёзий номидаги олий математика кафедраси мудири, профессор,
Бахтиёр ХУДОЁРОВ,
доцент.

Спорт

УЧТА БРОНЗА МЕДАЛИ ВА ОЛТИ ЙЎЛЛАНМА

Боку(Озарбойжон)да юнон-рум ва эркин кураш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг юздан ортиқ давлати курашчилари ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Дастлаб беллашувларни юнон-рум кураши усталари бошлаб беришди. Курашнинг ушбу тури бўйича жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини Элдор Ҳафизов (55 кг.), Дилшод Орипов (60 кг.), Равшан Рўзикулов (66 кг.), Жаҳонгир Мўминов (74 кг.), Денис Здориков (84 кг.), Геннадий Чхаидзе (96 кг.) Давид Солдатзе (120 кг.)лар ҳимоя қилишди. Мусобақа якунида курашчиларимиздан гарчи бирортаси ғолиб ва совриндорлар қаторига кира олишмаган бўлсалар-да, кучли саккизликдан жой олган Элдор Ҳафизов ҳамда Давид Солдатзелар келаси йили Пекинда ўтадиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров (55 кг.), Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндори Артур Таймазов (120 кг.)ларнинг яна ғолибликни қўлга киритишларига ишонч билан қаралаётганди. Аммо бу гал ҳар иккала паҳлавонимиз ҳам ғолиблар қаторига кира олишмади. Жумладан, Дилшод Мансуров беллашувлар якунида тўртинчи натижани қайд этиб, Пекин олимпиадаси йўлланмаси билан чекланган бўлса, Артур Таймазов бронза медали билан кифояланди.



Ўтган йили Хитойда ўтказилган жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Заурбек Сохиев (84 кг.) ўз вазн тоифасида яна учинчи поғонани банд этди. Шунингдек, 96 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан яна бир вакилимиз Қурбон Қурбонов ҳам жаҳон чемпионатининг бронза медали билан тақдирланди.

Шундай қилиб, олти кун давом этган қизиқарли беллашувлар якунида курашчиларимиз умумжамоа ҳисобида учта бронза медалига сазовор бўлдилар ва Пекин олимпиадасига олтита йўлланмани қўлга киритишди.

Эркин ХОЛБОБО

«Мутолаа байрами — 2007»

РУҲИЯТ МЎЪЖИЗАСИ

Инсоният учун тафаккур чўққиларини эгаллашда китобнинг ўрни бениҳоя катта. У одамзотнинг маънавий-руҳий ташналигини қондириб, онгу шуурини равшанлантиради, улуғлик сари етаклайди. Ҳар қандай замону шароитда ҳам китобнинг қадр-қиммати, ўрни муҳимлигича қолаверади.

Мустақилликдан сўнг нашриётларимиз томонидан бир-биридан мукаммал, қизиқарли илмий-адабий, бадиий китоблар чоп этилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари, китоб мутолааси, унинг қадр-қимматига бағишланган турли тадбирлар, анжуманлар ўтказилиши авж олдики, бу тадбирлар ёшларда китобга муҳаббатни оширмоқда.

Жумладан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ҳар йили «Мутолаа байрами»ни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Ўн кун давом этадиган бу тадбир китобхонлар, энг аввало, ёшлар орасида мутолаа маданиятини юксалтириш, ноширлик фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисини янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда ахборот олишнинг янгича усуллари билан таништиришни мақсад қилиб қўйган.

«Мутолаа байрами»нинг бу галги тадбирлари ҳам ҳар доимгидек қизиқарли ўтди. Уни очар экан, кутубхона директори Абдусалом Умаров бу байрамнинг аҳамияти, бугунги кунда халқимизнинг китобга муносабати, шунингдек, кутубхоначиликни ривожлантириш борасида зиё масканида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Байрам тадбирининг очилиш маросимида «Ижтимоий ҳимоя: атамалар изоҳли луғати» (Муҳаммадали Саидов ва бошқалар муаллифлигида), «Имом ал-Бухорий баракоти» (муаллиф Усмонхон Алимов), «Наманган адиблари» (муаллиф Ҳомиджон Ҳомидий) номли китобларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди.»

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Мулоҳаза

ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР

ҚУЁШ ТИҒИДА САҚЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС

Ёз фаслининг жазирамаси анча чекинган бўлса-да, аммо олтин кузнинг қуёш нурлари ҳам чаккимас. Табиийки, бундай чоғда лабингиз қуриб, яхна сув қидирасиз, дўконларга ошиқасиз. Шукрки, сув сероб... Аммо чанқоғимизни босган ўша сувнинг қай аҳволда сақланганига ҳамиша ҳам эътибор қилавермаймиз. Дўконлар атрофида, ташқарида, йўлакларда қатор қилиб тахланиб қўйилган ичимликларга бепарво қараганимиз ўзимизга зиёнлигини... бошга ташвиш тушганда биламиз.

Кузатишларимиз жараёнида кўп бор гувоҳ бўлган ҳолатларни турлича изоҳлаш мумкин.

Мукаррам, талаба:

— Тўғри, иссиқда қаторлаштирилиб тахлаб қўйилган сувларнинг аксариятини харидорлар яъни сизга, менга ўхшаган мижозлар харид қилади-да. Аммо қуёш тиғи остида турган ҳар қандай ичимлик ўз таркибини ўзгартиришини кўпчилик биладими, ана шуниси ташвишли. Таркиби бузилганини музлатгичга қўйган билан уни асл ҳолига қайтариб бўлмайди-ку.

Мурод БЕГМАТОВ, ҳайдовчи:

— Ишонасизми, ҳар куни камида 2-3 литр турли хил сувларни ичишга мажбурман. Лекин гоҳида айрим идишлардан ёқимсиз ҳид келиб туради ва оғизда ранги қолиб кетганлари ҳам учраб туради. Шундай бўлса ҳам истеъмол қилавераман. Нима қилай, чанқоғни қондириш керак-ку!

Энди ўзини **Собир** дея таништирган сотувчини суҳбатга тортамиз.

— Дўкон ичкарисида жой йўқми, буларни ташқарига тахлаб қўйибсизлар?

— Ташқарида турса, ҳамма кўради-да, узоқдагилар ҳам...

— Шу ҳолатда туриши зарарли эканини ҳам биласизми? Ахир ичимлик ёнидаги ёрлиқда неча кун ва неча даражада сақлаш тартиби ёзилган.

— У ёғини билмадим, ака. Сотувчиман холос.

Энди мулоҳазамизни янада ойдинлаштириш мақсадида яхна ичимликларга елимланган ёрлиқларни кўздан кечирамиз: **+18°С-20°С гача иссиқликда тоза, салқин ҳамда қуруқ жойларда сақлаш кераклиги ёзилган!**

Хўш, ҳар хил ранг ва концентратлар ҳамда кимёвий моддалар аралашмасидан тайёрланадиган бундай ичимликлар белгиланган меъёрий иссиқликдан юқори ҳароратда туриб қолса, ўз таркибини ўзгартирмайдими? Уни ичиш соғлиқ учун зарарли эмасми? Қуёш нури темирни қиздираётган бир пайтда елим идишдаги сувлар қайнаб кетмасмикан? Бундай ҳолатда уларнинг сифати бузилмайдими?

Шу каби саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилдик.

Авазбек ЖЎРАЕВ, «Sibur» масъулияти чекланган жамият директори:

— Бундай муаммолар бизни, яъни яхна ичимликлар ишлаб чиқараётган барча компанияларни дор-мижоз манфаатларини умуман ўйлашмайди. Шу боис ҳам бизга гоҳида харидорлардан маҳсулотингиз сифатсиз экан, деган маз-мунда эътирозлар ҳам бўлиб туради. Шу заҳоти махсус агентимизни ўша жойга юборамиз. Ва маҳсулотларимизни харид қилган фирма ва тадбиркорлар томонидан бу борада қоидалар қўпол тарзда бузилаётганига ёки айрим ҳолларда эса яширин цехларда ёрлиқларимизни сохталаштириб ишлаб чиқарилаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Албатта, биз ҳам бундай ҳолатлар бўйича қонуний чоралар кўриш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қиламиз.

Бизда ишлаб чиқарилаётган яхна ичимликлар 65 метр чуқурликдан олинадиган сувдан тайёрланади. Уларни яна тўрт хил кўринишда махсус ускуналардан фойдаланган бирдай қийнаб келаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биздан маҳсулот харид қилаётган тадбиркорлар уларни ўзлари хоҳлаган шароитда дўконларига жойлаштириб сотишади. Маҳсулотни юклаётганда ёрлиқларда кўрсатилган қоидаларга қатъий риоя қилишлари хусусида доим эслатамиз. Афсуски, фақат пул топиш илинжида юрган айрим ишбилармонлар бу масаланинг асосий жиҳати — ҳаридорлар ҳолда тозалаб, Европа давлатларидан келтирилган концентратлар билан уйғунлаштирамиз. Бундан ташқари ўзимиздаги махсус лабораторияларда тайёр ҳолга келтирилганларини қайта-қайта текширувдан ўтказгач, қадоқлашга рухсат берилади. Қолаверса, ҳар ойда Тошкент шаҳар Санитария эпидемиология марказига ўз маҳсулотларимизни текширувдан ўтказиш учун юбориб турамиз.

Давронбек АТАБЕКОВ, «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази сертификатлаштириш бўлими бошлиғи:

— Сақлаш шароитининг бузилиши салқин ичимликлар ва умуман бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса бу ҳолат ПЭТ (поливинил хлорид яхна ичимликлар идиши)га қуйилган салқин ичимликларга тегишлидир. Чунки ПЭТ идишлари иссиқ ҳавога умуман тўғри келмайди. Қуёш нури остида сақланган салқин ичимликлар 0° дан паст ва +12°С дан юқори бўлмаган ҳавонинг нисбий намлиги 75% дан ошмаган шароитда сақланиши керак. Шундагина одам организми учун у хавфсиз бўлиши мумкин.

Мирвосит КАРИМОВ, терапия ва тиббий тикланиш илмий текшириш институти гастроэнтерология бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Кунлар исиши билан ошқозон ичак касаллигига чалинган беморларнинг сони ортади. Сабаби, гигиенага риоя қилмасдан мевачева ҳамда муддатидан ўтган ё иссиқ таъсирида қолган яхна ичимликларни истеъмол қилинганлигидир. Аслида яхна ичимликлар қадоқланаётган идишлар иссиқ ҳаво шароитига умуман тўғри келмайди. Чунки у поливинил хлорид бирлашмасидан ташкил топгани боис, белгиланган иссиқликдан юқори даражада маълум бир миқдорда эриб, ичимлик таркибига қўшилади. Оқибатда канцероген, аллергик, гастрит, гепатит, панкреатит ва саратон касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Яна бир жиҳати шуки, ичимлик ҳар хил кимёвий концентратлар бирикмасидан иборат бўлганлиги учун таркибидаги «аспартам», яъни (шакардан 300 баробар ширин модда) CO_2 билан биргаликда қонга тез сўрилиб, ошқозон ости безн фаолиятига жуда тез салбий таъсир кўрсатади. Бу эса қандли диабет касаллигига олиб келади. Шунинг учун поливинил хлорид идишидаги яхна ичимлик ичида аспатам кафин ва бошқа ранг ҳамда таъм берувчи сунъий қўшилмалари борлиги боис уларни ичишни ҳар қандай ҳолатда тавсия этмаймиз.

...Яхна ичимлик йўл ёқаси, дўкон ва бозорлар атрофига уюб ташланган ҳолатларни ҳар қадамда учратамиз. Лекин ҳар бир маҳсулотнинг, хусусан, салқин ичимликларнинг ҳам сақланиш қоидалари бор. Унга амал қилиш нафақат савдо қоидаларини жойига қўйиш, балки соғлиқни сақлаш учун ҳам хизмат қилади. Зеро, истеъмолчига сифатли маҳсулотлар етказиб беришни мақсад қилган ҳар бир тадбиркор бунга амал қилиши керак. Йўқса, унинг маҳсулоти чанқоқ босувчи эмас, соғлиққа путур етказувчи товарга айланади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8101 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 22.45
1 2 3 4 6

Sotuvda erkin narxda